

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ

Отабоев Мухсинжон Муқимжонович

Қўқон ДПИ Математика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада ҳуқуқ таълимнинг умумий ўрта таълимдаги мазмуни, хусусан, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий кўникма ва ҳуқуқий малака каби тушунчаларга изоҳ берилган. Шунингдек, ҳуқуқий билим берувчи шахсига қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий билим, ҳуқуқий кўникма, ҳуқуқий малака, ҳуқуқ асослари.

Ҳуқуқий таълим жараёни - ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабат, билим бериш, билим олиш, ўргатиш - ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизимидир. Демак, ҳуқуқий таълим ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ икки жараёнга - ўқитувчи фаолияти сифатида билим беришга ва ўқувчининг фаолияти сифатида билим олишга ажралади. Ҳуқуқий билим берувчи:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигидан келиб чиққан ҳолда билим олувчи билан муносабатлар оқимини инсоний фазилатлар: ўзаро ҳурмат, иззат-икром, ва ҳ.к. руҳида амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди;
- ҳуқуқий таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайди;
- ҳуқуқий таълим тизимининг дунёвий характерда эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди;
- ҳуқуқий билим олиш қобилияти ва истеъдодни рағбатлантиради.¹

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур². Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Республикамиз умумтаълим мактабларида ўқитилаётган ҳуқуқшуносликка оид фанларнинг ўрни ва аҳамияти чексиздир.

Ҳуқуқий таълим мазмунини унинг таркибига кирадиган ҳуқуқий билим, ҳуқуқий кўникма ва ҳуқуқий малака ташкил этади.

Ҳуқуқий билим – ҳар бир билим каби муайян ҳуқуқ соҳасига оид маълумотлар мажмуаси бўлиб, уларни инсон тафаккурида намоён бўлишидир. Ҳуқуқий билим орқали ёшларда тассаввур ва тушунчалар ҳосил бўлади. Ҳуқуқий билим ҳуқуқий материалларни ўргатиш ва ҳуқуқий фанларни ўқитиш орқали амалга оширилади.

¹ Тўйчиева Х.Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Педагогика фанлари бўйича номзодлик диссертацияси.—Тошкент.2009. –Б. 69

²Каримова О. Ҳуқуқ таълимини ўқитиш методикаси. Тошкент.:”Ўзбекистон”, 2011, -Б. 45.

Ҳуқуқий кўникма – ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий тушуниш маҳоратидир. Бу маҳорат ҳуқуқий билимни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилади.

Ҳуқуқий малака – илгариги тажрибалар, тушунчалар, билимлар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш ҳаракатидир. Масалан, ҳуқуқий билимлар ёрдамида шахс қонунларни талқин қилиш, уларни амалга ошириш ҳаракатини намоён этади (1-расм).



1-расм. Ҳуқуқий таълим асослари

Таълимнинг барча турлари каби, ҳуқуқий таълимнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Тадқиқотчи олимлар Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаева ҳуқуқий таълим-тарбияни шундай таърифлайдилар: “Ҳуқуқий таълим-тарбия инсонда ҳуқуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилишдир”³. Демак, ҳуқуқий таълим ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришни, амалий кўникмалар ва малакалар шаклланишини назарда туттади. Бу эса ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштирилари учун замин тайёрлайди. Ҳуқуқий таълим нафақат билим бериш, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби вазифаларни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳуқуқий таълим мазмуни – барча ўқувчилар эгаллаши кўзда тутилган билим, малака ва кўникмалар тизими ҳам тарбияловчи, ҳам ривожлантирувчи характерда бўлиши зарур.

³ Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. - Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2000.-Б. 127.

Шундагина у ёшларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг ривожланишини, ҳуқуқий дунёқарашининг шаклланишини таъминлайди, уларни ижтимоий фаолиятга тайёрлаш мумкин бўлади. Бунда ўрганилган ҳуқуқий фанлар материаллари ҳажмини аниқлаш, бу фан бўйича ўқув дастурлари ва дарсликларини ўқувчиларни зўриқтирадиган материаллардан ҳоли қилиш, ўқув материалларида баён қилинадиган асосий тушунчаларни қисқа ва раво баён этиш, ёшларга ҳуқуқий манбалар билан мустақил ўрганиш имкониятини яратиш ҳуқуқий онг шаклланишини енгиллаштиради. Умумий ўрта таълим мактабларида 1-4-синфларда ўқувчиларга ҳуқуқий билим беришда, уларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, қоида, қонун, бурч, вазифа каби оддий тушунчалар киритилган бўлиб, Она тили, Ўқиш, Табиий фанлар, Тарбия каби фанлар мазмунига сингдирилган. Бу босқичда ўқувчиларда ҳуқуқий тафаккури шакллантирилади. Бунда энг аввал ўқувчилар “ҳуқуқ” сўзининг маъносини, инсон ҳуқуқларининг моҳиятини, болалар ҳуқуқларини, одамлар билан муносабатда ҳуқуқий маданият меъёрларига мос муносабатда бўлишни ўрганади. Бу меники, бу бизники, бировники, кўпчилиники каби тушунчалар шакллантирилади.

Умумий ўрта таълимнинг 5-7-синфларда ҳуқуққа доир дастлабки тушунчалар мураккаблашиб, ҳаётий мисоллар орқали давлат ва шахснинг ўзаро муносабати, шахсий мустақиллик, барчанинг Қонун олдида тенглиги, сўз эркинлиги, ахборот олиш кафолатлари эркинлиги, вояга етмаган фуқароларнинг жинсий жавобгарлиги, ўсмир ва қонун каби мавзулар асосида ёритилади. Бу босқичда ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккури юксалтирилади. Ўқувчиларга конституция ҳақида умумий маълумотлар берилади. Бу билан ўқувчилар ҳуқуқий тушунчаларни ўрганишга қизиқтирилади. Конституция, давлат, қонун ҳақидаги билимлари мустаҳкамланиб, конституциянинг моҳияти ҳақида тушунча шакллантирилади. Ўқувчини билим олиши давлат томонидан кафолатланганлиги, қонунларга сўзсиз риоя этиш зарурлиги, ўзгалар ҳуқуқини поймол қилиш конституцияга ҳилоф эканлиги тўғрисида тушунчага эга бўлади. Шу билан бир қаторда тарих фани мавзулари мазмунида учрайдиган ҳуқуққа оид билимларни ўзлаштиришга тайёрлайди.

Умумий ўрта таълимнинг 8-синфида “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, 9-синфида “Конституциявий ҳуқуқ асослари” асосий фанлар таркибида ўқитилиб, бунда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси ўқувчиларда давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий, маданий тараққиёти йўналишларига мос даражадаги билимлар тизимини шакллантириш, ижодий фикрлай оладиган, ҳаётий муаммоларга мустақил муносабат билдира оладиган фуқарони шакллантиришга қаратилгандир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мажбурий таълим тизими ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий фанларнинг аҳамияти шундан иборатки, бу фанлар орқали ўқувчиларга нафақат ҳуқуқий билимлар бериб борилиши балки,

қонунларни ҳурмат қилиш, уларга амал қилишни ҳам шакллантириб бориш зарур. Бунинг учун ҳуқуқшунос педагоглардан кучли билим билан бир қаторда маънавий етуқлик ва касбий маҳорат ҳам талаб этилади. Зеро, эртанги кунимиз таянчи бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти шу соҳа фидойиларига боғлиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Тўйчиева Х. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Педагогика фанлари бўйича номзодлик диссертацияси. — Тошкент. 2009. — Б. 69
2. Каримова О. Ҳуқуқ таълимини ўқитиш методикаси. Тошкент.: "Ўзбекистон", 2011, -Б. 45.
3. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. - Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2000. -Б. 127.
4. Каримова Л. Сайидумаров О. Мактабларда ўтилаётган ҳуқуқий дарсликлар талаб даражасидами?// <https://teletype.in/@ivq.uz/rJDjLeliQ>
5. Каримова О. Мўминов Т. Ҳуқуққа оид фанларни ўқитиш масалалари. "Узлуксиз таълим" журнали 2013. № 2 сон. —Б. 16.